ЧЎЛПОН ИЖОДИДА ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИ

Умида Сапаевна Шерматова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада биз, Чўлпон ижодида истиқлол ғоялари, миллий уйғониш, ўтмишдаги миллий анъаналаримизни, миллий, диний, маънавий қадриятларимиз хазиналаридан фойдаланиш, уларни бойитиш ва ривожлантириш бўйича қилинган ҳаракатларини талқин қилганмиз.

Калит сўзлар: Чўлпон, истиқлол, миллийлик, қадрият, ғоя, ўтмиш, маънавият, мафкура.

IDEAS OF INDEPENDENCE IN CHULPON'S WORK

Umida Sapaevna Shermatova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

In this article, we have interpreted Chulpon's efforts to promote the ideas of independence, national awakening, our past national traditions, the use of the treasures of our national, religious and spiritual values, their enrichment and development.

Keywords: Chulpon, independence, nationality, value, idea, past, spirituality, ideology.

КИРИШ

Ақлий, интеллектуал тарбия ватанпарварликни ҳам, сиёсий ва ғоявий тарбия, яъни эътиқод тарбиясини ҳам ўз ичига олади.Ғоявий тарбия деганда шўролар даврида ёшларни коммунистик партия мафкураси, марксизм-ленинизм ғоялари асосида тарбиялаш тушунилар эди.У даврда шўролар мустамлакачилигини социалистик тузум берган бахт-саодат деб, пролетариат диктатурасини озодлик деб, миллий зиёлиларни, истиқлолчиларни қатағон қилган компартияни бахт қуёши деб, фуқаро урушини келтириб чиқарган Ленинни халқ озодлиги учун курашчи деб, Туркистон халқларининг асл ватанпарварларини эса “босмачилар”, “миллатчилар”, “халқ душманлари” деб тушунтирилар эди.У вақтда ғоявий тарбия жараёнида саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ишбилармонларни, мулкдорларни золим, эксплуататор синф

сифатида тугатиш, уларни сургун қилиш ва отиб ташлашни маъқуллаш “Ғоявий етуклик” деб ҳисобланар эди.Бой отасини фашистларнинг гестапосига ўхшаган ЧК, ОГПУ ёки НКВД га тутиб берган ва оттирган ёш пионер Павлик Морозов қаҳрамон деб мақталар эди.Мустамлакачиларни “бизга бахт келтирган “улуғ оғамиз” деб улуғлаш, миллий қаҳрамонларимиз Жалолиддин Мангубердини, Амир Темурни, подшоҳларни урушмасликка, қон тўкмасликка чақирган азиз-авлиё, халқнинг маънавий раҳнамоси бўлган Хома Убайдуллоҳ Аҳрор Валийни “феодализмнинг қора кучлари” деб лаънатлаш, қоралаш ғоявий тарбия ҳисобланарди. Ғоявий тарбия шўролар мустамлакачилигини мақташга, улуғлашга қаратилган эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Атоқли педагогика олими Сиддиқ Ражабов “Халқ маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари” китобида Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, А.В.Луначарский, А.С.Макаренко, Х.Ҳ,Ниёзийларнинг педагогик тажрибаларини адолатли ёритиш билан бирга, афсуски, бу китобида Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Рудакий, Фирдавсий, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Саъдий, Навоий, Огаҳийнинг таълимий қарашларига ҳеч қандай ўрин ажратилмаган.Мана шу буюк Шарқ алломалари ўрнига С.Ражабов ўз китобида марксизм “классик”ларининг мақтовини келтирган: “Фақат марксизм асосчиларинигина илмий коммунизм назариясини яратиб, инсон шахсининг камолот йўлларини белгилаб бердилар”. С.Ражабов фикрича, инсон камолоти ҳақида Саъдий ва Навоий гўё ҳеч гап айтмаган.

Таниқли филолог олим ва педагог олимлар Ҳомил Ёқубов, Олим Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов ва бошқалар, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемир ижодида замондошларимиз руҳий олами яхши очилгани ҳақида теран фикрлар айтиш билан бирга коммунистик мафкура тазйиқи остида мустамлакачилар сиёсатини, коммунизм, ленинизм ғояларини мақташга ҳам мажбур бўлган эди.У “Йиллар ва йўллар” асарида ўзбек шеъриятида ютуқлари ҳақида чуқур фикрлар айтиш билан бирга, шўро мустамлакачиларининг ғоявий байроғи бўлган ленинизм ғояларига садоқат ифодаланган асарларини мақтаб, бундай ёзган эди: “Ўзбек шоирларининг ҳозирги ижодида коммунизм темаси Ленин темаси билан чамбарчас боғланиб келмоқда. Поэзиямиз тараққиётига назар ташлаган одам Ленин темаси ҳамиша ўзбек шоирларининг диққат марказида бўлиб келганлигини кўради.Бу – тасодифий эмас.Ленин темаси совет поэзиясининг ҳамиша актуал, давр моҳиятини очишга имкон берадиган азалий

темалардан бирдир”.Бу жумлада Ленин темасига нисбатан “азалий” сўзининг ишлатилиши мантиқсиздир.Чунки, Ленин мавзуси, ленинизм ғоялари азалий эмас, вақтинча ва ўткинчи эканлигини ҳозир бутун жаҳон халқлари яхши тушунади.Аммо Озод Шарафиддинов юқоридаги асарида Ленин мавзусини ўзбек шеърияти учун энг шарафли мавзу деб мақтайди.У, ёш авлодни ғоявий тарбиялашда бу мавзу жуда муҳимлигини такрор-такрор айтади. “Ўзбек шоирлари поэтик асарларда Ленин ҳақидаги туйғуларни ифодалаш билан чекланмай, Ленин характерини яратишга интилиш кучаймоқда.Ҳозир 30-йиллардан фарқ қилароқ, поэтик асарларда Лениннинг инсоний жозибасини ҳар томонлама очишга эътибор берилмоқда.Буларнинг барчаси сўнгги йилларда поэзиямизнинг катта муваффақияти бўлган асарлар яратишга имкон берди”. Адолат юзасидан айтиш керакки, атоқли олим, Ўзбекистон Қаҳрамони кейинчалик миллий уйғониш ҳақида ёзиб, мустақилликни шарафлади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Истеъдодли ўзбек олимларидан яна бири, фан арбоби С.Мамажонов “Адабиётимиз равнақини В.Ленинсиз сира тасаввур қилиб бўлмайди.Улуғ доҳийнинг ўлмас назарий таълимоти ва оламшумул амалий фаолияти кўп миллатли совет адабиётининг, жумладан, ўзбек совет адабиётининг тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнади ва ўйнамоқда.Ҳаётбахш марксча-ленинча таълимот адабиёт ва санъат ғоявий асосининг асосидир”.

Биз атоқли олимларимизнинг бу фикрларини бугунга келиб,уларга таъна тоши отиш учун эмас, балки мустақилликдан аввал, шўролар мустамлакачилиги даврида ёш авлодни ғоявий тарбиялаш деганда уларнинг онгини сохта ғоялар билан “заҳарлаш”га, бадиий-эстетик маданият ҳодисаси бўлган шеъриятни ҳам ўта “сиёсийлаштирилгани” ғоявий тарбия деганда пролетариат диктатураси “доҳийларини” улуғлаш талаб этилганлигини эслатмоқчимиз холос.

Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр, Мунис, Огаҳий, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби миллий зиёлиларимизнинг бой маънавий хазиналаридан ёш авлодни ғоявий тарбиялашда самарали фойдаланиш назариётчи ва амалиётчи педагог олимларимизнинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши зарур.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даврида ёш авлодни ғоявий тарбиялаш сохта сиёсатга бўйсундирилмаган, Истиқлол даврида “сиёсий, ғоявий хато” излаб, миллатпарвар зиёлиларимиз жазога тортилмайди, энди ғоявий тарбия деганда миллий уйғониш, ўтмишдаги миллий анъаналаримизни, миллий, диний, маънавий қадриятларимиз хазиналаридан фойдаланиш, уларни бойитиш ва ривожлантиришни тушунамиз. Аслида ғоявий тарбия, унинг таркибий қисмлари бўлган сиёсий маданият, ахлоқий тарбия, турли илм-фанларни ўрганиш билан ҳосил қилинадиган ақлий, интеллектуал тарбияни бир-бири билан уйғунлаштириш яхши самаралар беради.

REFERENCES

1. Матчонов С. (2020). Адабиёт дарсларида таҳлил ва талқин уйғунлиги. *Тил ва адабиёт таълими. 7*(7), 8-11.
2. Матчонов С. (2020). Китобхонлик ва мутолаа маданияти. БухДУ Бошланғич синфларнинг она тили таълимида инновацион технологиялардан фойдаланиш. *Халқаро конфереция материаллари 2020 йил 29 апрель,* 89-92-бетлар
3. Матчонов С. (2020). Адабий таълим тизимини технологиялаштириш ва бадиий-эстетик тафаккур муаммолари. *Низомий номидаги ТДПУ Илмий ахборотлар 2020 1*(1), 49-53-бет.
4. Шерматова У.С. (2020). Ватан тимсоли маънавий қадрият. *Pedagogik mahorat. 6*(6), 84-88.
5. Shermatova U. (2020). The light of nights without a day. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. *4*(4), 112-117.
6. Шерматова У.С. (2020). НАУКА И МИР. *Международный научный журнал, 4*(80), Том 2, 57-62.
7. Bakiyeva H. (2019). Developing articulation of elementary class students using independent work methodology. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7*(6), 14-16.
8. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8*(10), 129-133.
9. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 295-300.
10. 19. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7*(7), 308-317.
11. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta’limi, 7*(7), 63-64.

12. Ботирова Ш.И. (2020). Роль художественного психологизма в метафорической гармонизации реальности человека и жизни. *Преподавание языка и литературы*, *10*(10), 64-66.
13. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(8), 539-541.
14. Sobitova T. (2020). Orzigul dostonidagi ma`naviy va lafziy san`atlar. *Ilmiy axborotnoma SamDU*, *8*(4), 56-63.
15. Sobitova T. (2020). Yoshlar ma`naviyatini yuksaltirishda xalq og`zaki ijodining o`rni. *Тил ва адабиёт таълими. 5*(5), 26.
16. Ботирова Ш.И. (2020). Инсон ва ҳаёт воқелигини метафорик уйғунлаштиришда бадиий психологизмнинг ўрни. *Сўз санъати, 2*(3), 19-23.